Силжиш хавф юзасини қидиришда турғунлик коэффиценти учун боғлиқликдан K_3 фойдаланиш мумкин.

$$K_3 = R/F \geq \gamma_n \gamma_{fc} / \gamma_c ;$$

учинчи синф тўғонлари учун асосий юкламалар йиғиндисиди ва оддий ҳисоблаш усулларида

$\gamma_c, \gamma_n, \gamma_{fc}$ тенг:

$$\gamma_c = 1,0 ; \gamma_n = 1,15 ; \gamma_{fc} = 1,0$$

$\gamma_e, \gamma_n, \gamma_{fc}$ ларнинг кўрсатилган миқдорларида учинчи синф тўғон қияликлари турғунлик мезони сондаги ифодаси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$K_s = (1,15 \times 1,0)/1,0 = 1,15$$

$$K_s \geq 1,15$$

Учинчи синф тўғонлари учун юкламаларини алоҳида йиғиндисидидаги механик ҳисоблар:

$$\gamma_c = 1,0 ; \gamma_n = 1,15 ; \gamma_{fc} = 0,9$$

Қияликлар турғунлиги мезони сондаги ифодаси:

$$K_s = (1,15 \times 0,9)/1,0 = 1,035$$

$$K_s \geq 1.035$$

Қияликлар турғунлиги 2 хил услубда хисобланади:

1. “ В НИИ – Терцаги ” формуласи бўйича сейсмик таъсирни хисобга олувчи қўшилувчилар билан тўлдирилган.

2. Р.Р. Чугаев формуласи:

“ ВНИИГ – Терцаги ” формуласи:

$$K = \frac{SUM \ G - Vb * \cos Alf * tg Fi - SUM((Ssin(Alf)*tg(Fi)*a/R))}{SUM (Gsin Alf + SUM(Scos(Alf)*a/R)+(FL-fl))}$$

Р.Р.Чугаев формуласи:

$$K = \frac{SUM((G-Vb)*tg Fi + Gd/\cos(Alf))}{SUM((Gsin(Alf))}$$

G – сув билан тўйинишини хисобга олган холда элементар кесимдаги тупроқ массаси;

V – Тешик сувининг тўлиқ босим катталиги (пъезометрик босим сув = зичлигига кўпайтирилган)

b – элементар кесим кенглиги;

Alf – горизонтал ва уринма (элементар кесим ўқи билан кесишган нуқтада сирпаниш юзасига) орасидаги эгилиш бурчаги.

Fi – ички ишқаланиш хисобланган бурчаги;

C – тупроқнинг хисобланган қаршилиги;

S – сейсмик куч, элементар кесимга қўйилган.

a – хар бир кўриладиган кесим ўртасида, сейсмик куч горизонтал таркиби елкаси;

R – сирпаниш эгрилиги радиуси;

F,f – юқориги ва пастки бьефдаги сув босим кучи;

L,l – юқориги ва пастки бьеф сув босим кучи елкаси.

Тўғон қияликлари турғунлигини хисоблашда қуйидаги ҳолатларни кўриш лозим (30 расм)

Пастки қиялик учун:

а) иккинчи хисобланган ҳолат (асосий) затворларсиз очик сув ўтказгичда: димланиш сатхи ва пастки бьеф сатхи максимал сарф ($Q=5\text{м}^3/\text{с}$)

билан аниқланади, бу юклама ва таъсиротларнинг асосий йиғиндисига киради.

Юқориги қиялик учун.

а) биринчи ҳисобланган ҳолат (асосий): юқориги бўефда МДС (495,3 м) тўғон танасида доимий мавжуд филтрация.

б) иккинчи ҳисобланган ҳолат (асосий): МДС (495,3 м) дан сув омборидаги сув сатхининг максимал йўл қўйилиши мумкин бўлган пасайиши; энг катта тезлик билан, бунда доим мавжуд бўлмаган филтрация кучлари ҳисобга олинади.

Тўғон юқориги қиялиги чидамлилиги сейсмик таъсир шароитида МДС дан УВБ ни тез пасайиш ҳолатидан энг паст эксплуатация сатхигача, шунингдек МДС нинг давомли ҳолати учун.

Сув омбори тўлишини йўл қўйиладиган чегаравий тезлиги ўтказувчи каналининг ўтказиш хусусияти ($10\text{м}^3/\text{с}$ гача) билан чегараланган, шу туфайли лойихада кўзда тутилган тўлиш тезликдан ($0,5\text{м}/\text{сут}$) ошиб кетиш мумкин эмас.

Хулоса:

Шундай қилиб, тўғон учун қуйидаги таъминлаш шароитларини оламин:

1. Асосий ҳисобланган юкламалар таъсирида тўғон чидамлилиги таъминланади, агар ҳисоб минимал турғунлик коэффиценти K_s энг кўп қулаш хавфи бор призмалар учун 1,15 дан кам бўлмаса;

2. Юкламаларнинг алоҳида йиғиндисида сейсмик таъсирларни ҳисобга олганда, тўғоннинг сейсмик чидамлилиги таъминланади, агар ҳисобланган минимал турғунлик коэффиценти K_s энг кўп қулаш хавфи бор призмалар учун 1,035 дан кам бўлмаса.

3.4. Тўғон қияликларининг чидамлилигини ҳисоблаш ҳолати

Қуйи ва юқори қияликнинг биринчи асосий ҳисоблаш ҳолати.


- Юқори бўефдаги МДС (495,30) тўғон танасида ўрнашиб қолган филтрация.

Иккинчи (асосий) ҳисоблаш ҳолати

- Юқорги қиялик учун МДС дан (495,30) энг сувнинг кўп тушиш сатҳи ҳисобланади, бунда доимий бўлмаган фильтрацияларнинг фильтрацион кучлари ҳисобга олинган ҳолда йўл қўйилиши мумкин бўлган энг катта тезлик олинади.

- Қуйи қиялик учун затворларсиз сув чиқаришнинг очиқ ҳолати учун димланиш сатҳи ва қуйи сатҳи энг юқори сарф учун аниқланади, таъсир кучининг ва кучланишларнинг асосий мослашувига нисбатан олинади.

Тўғоннинг юқори қияликнинг чидамлилиқ сейсмик таъсирлари шароитида ЮБС нинг МДС дан тез пасайиш ҳолатидан то энг қуйи фойдаланиш сатҳигача бўлган ҳолатлар учун ҳам худди МДС нинг доимий ҳолатидагидек ҳисобланади.




3.5.Фавқулудда сув ташлагичнинг гидравлик ҳисоби.

Дастлабки маълумотлар.

1. Сув ташлама иншооти очиқ турдаги.
2. $\nabla \text{МДС} = 496,50$
3. $\nabla \text{НДС} = 495,30$.
4. $\nabla \text{М.О} = 484,70$.

Ҳисоблаш тартиби.

1. Ҳисобий схемаси тузилади.



Оқова (водослив) узунлигини ўлчаб оламиз.

$$L = l_1 + l_2 + l_3 = 3,05 + 3,05 + 6 = 12,1 \text{ м}$$

2. Оқовага таъсир этувчи босим (напор) аниқланади.

$$H = \nabla \text{МДС} - \nabla \text{НДС} = 496,50 - 495,30 = 1,2 \text{ м.}$$

3. Сув ўтказиш қобилияти қуйидаги формула бўйича аниқланади.

$$Q = \sigma \cdot m_0 \cdot \sqrt{2g} \cdot H^{3/2}.$$

буерда,

m_0 – юпқа деворли оқованинг сув сарфи коэффиценти, қуйидаги формуладан аниқланади.

$$m_0 = 1,402 + 1,054 \frac{H}{p} = 1,402 + 1,054 \frac{1,2}{15,13} = 1,409$$

$$Q = 2,1 \cdot 0,409 \cdot \sqrt{2g} \cdot 1,2^{3/2} = 19 \text{ м}^3 / \text{с.}$$

Демак, фавқулудда сув ташлагич $\nabla \text{МДС}$ – да 29 м³/с сувни ўтказиш қобилиятига эга.

4.РЕКОНСТРУКЦИЯНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТЕХНОЛОГИЯ ҚИСМ

4.1. Реконструкцияни ташкил этиш талаблари

Объектларни қайта таъмирлаш шароитида қурилиш-монтаж ишларини ишлаб чиқариш, қайта таъмирланаётган корхона ишлаб чиқариш фаолияти билан узвий боғлиқ бўлиши керак. Буюртмачи ва пудратчи ўзаро келишилган ҳаракатлар тартибини ва оператив бошқарув ишлари учун масъул шахсни белгилайди.

Асосий ишлаб чиқаришни тўхтатиш муддати (иш лойиҳаси) қайта таъмирлаш лойиҳаси ва ишлаб чиқариш лойиҳалари билан белгиланади.

Объектларни қайта таъмирлашда қурилиш ва эксплуатацион ишчилар билан завод ички транспорт коммуникациялари ва муҳандислик тармоқлари, цехнинг юк кўтариш жиҳозларидан биргаликда фойдаланишни кўзда тутиш керак.

Объектларни қайта таъмирлашда технологик транспорт воситалари ва коммуникация, жиҳоз, муҳандислик тармоқларини текшириш маълумотларини, демонтаж ва қурилиш-монтаж ишлари (газланиш,чангланиш,портлаш ва ёнғин хавфсизлиги, кучли шовқин,зиқ ва шунга ўхшашлар)шартларини ҳисобга олиш керак.

Буюртмачи ва пудратчи билан бош лойиҳалаштириш ташкилотлари биргаликда:

қурилиш-монтаж ишларини бажариш ҳажми, технологик тартиби ва муддатлари, ҳамда уларни қайта таъмирланувчи корхонанинг ишлаб чиқариш цех ва участкалари ишлари шартлари билан биргаликда келишилган бўлиши;

оператив бошқарув тартибини аниқлаш, бунда шикастланиш ҳолатлари пайдо бўлганида қурувчи ва эксплуатациячилар ҳаракатини ҳисобга олиш;

конструкциялар ажратмаси тартибини,ҳамда муҳандислик тармоқларини ўзгартириш ёки ишлаб чиқиш,вақтинчалик сув, электр таъминот ва бошқаларни улашнинг шарт ва жойларини аниқлаш;

буюртмачи хизматлари ва ишлаб чиқариш вақтида қурувчилар томонидан фойдаланиши мумкин бўлган техник воситалар рўйхатини тузиш;

қайта таъмирланаётган корхона ҳудудида жиҳоз ва материалларни бут ва биринчи галда етказиш, юк ва қурилиш техникасини ташиш ва тахлашни ташкил этишни, ҳамда мобил(инвентар) бино ва иншоотларни жойлаштириш шартларини аниқлайди.

Махсус ишлаб чиқариш ва зиқ шароитларда объектларни қайта таъмирлашда, махсус хавфсизлик чоралари ва қурувчиларни ҳимоя воситаларини аниқлаш ва ҳисобга олиш керак.

4.2. Қурилиш машиналарига қуйиладиган асосий талаблар.

Хар қандай машинанинг конструкцияси ушбу машина бажа-риши лозим бўлган технологик жараен талбаларига тулик жавоб бериши керак (тупрок казиш, бетон кориш, зичлаш, тош майдалаш ва шу кабилар).

Машинага қуйиладиган талаблар даражаси фан-техника тараккиетига боглик ва шундан келиб чикиб баҳоланади. Янги машина яратиш ва эскисини такомиллаштиришда конструктив, технологик, эксплуатацион, иктисодий ва социал талаблар ҳисобга олиниши керак. Бу талабларнинг бажарилиши машинанинг юкори сифатли булиб чиқишини таъминлайди. (юкори иш унуми, чидамлилиқ, узок муддатлилиқ, эргономика ва шу кабилар).

Конструктив талаблар - машина берилган иш шароитида узига қуйилган функцияларни бажариши керак, барча қуйилган стандартлар талабларига жавоб бериши лозим, уз синфига тугри келадиган энг яхши техникалар (шу жумладан чет эл техникалари) даражасида булиш, юкори иш унумли ва ишончли булмоги даркор, буларга машинанинг конструктив-компановка ечими, ҳисоблар, бошка техникалар билан унификацияланиши ва хоказолар киради. Шунингдек бошка бир канча талаблар ҳам қуйилади.

Технологик талаблар. -оддийлик, кулайлик, тайерланаётган деталларнинг, йигиш бирликларининг ва тулик машинани йигишнинг кам харажатлилиги. Машина конструкцияси уни тайерлаш ва йигишда илгор технологияларни куллаш имкониятини бериши лозим. Машинанинг йигиш бирликларига ва агрегатларга тулик ажаратилиши уларнинг бир варақайига тайерланишини, монтаж килинишини ва модуллаб алмаштирилишини таъминлайди. Ускуналарнинг унификацияланиши ишлаб чиқаришнинг кенг

кооперацияланишига имкон тугдиради ва эҳтиёт қисмлар таъминотини осонлаштиради.

Эксплуатацион талаблар - машинани ишлатиш жараенида ТХ курсатишнинг оддий ва осонлиги (мойлаш, ростлаш, екилги ва мой куйишнинг қулайлиги ва х.к.). Деталлар, агрегатлар ва йиғиш бирликларини алмаштиришда монтаж-демонтаж ишларининг қулайлиги, машина уз ишлаб чиқарилиши мақсадига тулиқ жавоб бериши керак ва иш жараенида режалаштирилган курсаткичларни бажариши лозим.

Машина габаритлари темир йул учун қабул қилинган нормал улчамлар чегарасидан чиқиб кетмаслиги керак. (1-В) еки темир йул ҳаракатланувчи қисмининг йул қуйилган беш даражасидан ҳеч бўлмаганда биттасига мос келиши лозим. Агар бунинг иложи бўлмаса кам меҳнат ва кам ҳаражат билан, кам сонли кутариш-тушириш воситалари ердамида монтаж-демонтаж ишларини амалга ошириш кузда тутилган бўлмоғи даркор.

Иқтисодий талаблар - машина таннарихининг ва уни ишлатиш учун сарф бўладиган ҳаражатларнинг камайтирилиши. Машина режалаштирилган иқтисодий самарани таъминлаши ва уни тайерлаш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий қилиш ҳаражатларини тез муддатда қоплаши лозим.

Социал талаблар - машина меҳнат ҳавфсизлигини таъминлаши ва унга хизмат қурсатаётган ишчилар учун қулайлиги: жумладан ишчиларни титрашдан, чангдан, шовкиндан, санитар нормалар чегарасидан чиқувчи температурадан ва бошқа зарарли таъсирлардан сақлаш, бошқариш дасталари ва назорат-улчов асбобларининг қулай жойлашганлиги; ташқарини яхши қуриш ва кам чарчаш шароитларини яратиш; операторнинг физиологик, антропометрик ва психологик ҳолатларини ҳисобга олиш. Машинада ишлаб чиқариш эстетикаси элементларининг бўлиши - қисмларнинг жойлаштирилиши, ранг, ташки қурилиши қабилар. Шунингдек социал талаблар машинанинг эргономик сифатларида ҳам кузга ташланади (ДАСТ 22973-78. “Инсон-машина” системаси. Умумий эргономик талаблар).

“Инсон-машина”- муҳит системаси.

Машинанинг техник даражаси уни узига ухшаш энг яхши машиналар билан солиштириш оркали аникланади. Бунда машина самарадорлиги ва бажарилаётган иш сифатининг доимий ошиб бориши кузда тутилиши керак.

Машинанинг сифати ДАСТ 15467-70 билан белгилаб куйилган. Сифат деганда машинанинг шундай хоссалари тушуниладики, бунда у узига мулжалланган ишни тулик бажараолиши керак. Бу хусусиятлари конструктив-технологик, эксплуатацион, иктисодий, технологик, эргономик ва бадий-эстетик талабларнинг бажарилиши оркали амалга оширилади. Бу талаблар машинага унинг бозоргирлигини аниклаш максадида куйилади.

Махсулот (машина) сифатини бошқариш - керакли сифат даражасини уни яратиш ва ишлатишнинг барча этапларида таъминлаш ва аниклаш демакдир. Махсулот сифати назорати давлат (завод, соха) аттестацияси билан аникланади ва унга Давлат сифат белгиси берилади.

Курилиш машиналарининг схемалари

Курилиш машиналарининг конструктив-компановка, кинематик, гидравлик ва электр схемалари мавжуд.

Машинанинг алохида олинган йигиш бириклари ва агрегатларининг узаро боглик харакати ва бир-бирига нисбатан жойлашиши оркали унинг умумий тузилишини курсатувчи схема, машинанинг конструктив-компановка схемаси дейилади. Бу схемага кировчи элементлар номерланадилар, яъни экспликация (шартли белгилари) келтирилади.

Машинанинг алохида олинган элементлари харакатини характерловчи ва ишчи органнинг куч курилмаси билан богликлигини курсатувчи схема, унинг кинематик схемаси дейилади. Бунда барча харакат узатувчи кисмлар, валлар, уklar, шестерня, тишли гилдирак, барабанлар ва бошка элементлар, шу жумладан трансмиссия элементлари хам шартли белгилар билан белгиланадилар.

Кинематик схемада иш режимини аниклаш имкониятини бериш учун шестернялар, тишли гилдираклар, юлдузчалар тишлари сони, тишлашиш модули, тишлар кадами, двигател вали ва алохида олинган элементларнинг айланиш частоталари келтирилган жадвал берилади.

Кинематик схемада машина-механизмлар элементларининг график куруниши келтирилган булиб, у ДАСТ 2.770-68 талабларига мос келиши керак.

Баъзан аркон-блоки бошқариш системаси булган машиналар учун арконларнинг боғланиб, айланиб утиш ва уралиш (запасовка) схемалари берилади.

Кейинги пайтларда қурилиш машиналарида гидродинамик трансмиссиялар кенг қулланилмоқда.

Бошқариш системаларида эса гидравлик ва пневматик усуллар тобора кенг ишлатилмоқда, улар ДАСТ 2.780-68, 2.781-68 ва 2.782-68 талабларига мос келувчи шартли белгилар билан белгиланадилар.

Электр бошқариш схемалари эса ДАСТ 2.702-69 талаблари буйича бажариладилар.

4.3 Қурилишда моддий-техник таъминоти

Бош ва субпудрат шартномаси асосида ишни бажарувчи пудрат ташкилотлари ва буюртмачи- ташкилотлар қурилиш объектини моддий-техник ресурсларининг барча турлари билан, қурилиш- монтаж ишларининг ишлаб чиқариш технологик тартибида, қурилиш графиги муддатлари ва буюртмачи жиҳоз, буюмларни етказиш графигида белгиланган вақтда (шартномага илова қилинган) таъминлаши керак.

Қурилишни тўлиқ қуриб битказиш учун моддий- техник ресурслар ва жиҳозлар билан таъминлашни бош пудратчи ташкил қилади. Бунда қурилишларни технологик жиҳоз, буюм ва материаллар билан бутлаш шартнома асосида «қурилишни ташкил этиш низоми» да кўрсатилган тартиб асосида бажарилади.

Қурилишларни моддий-техника ресурслари, жиҳозлари билан таъминлаш ярмарка, бозор ва товар- хом ашё биржалари, махсуслаштирилган қурилиш инвестиция биржалари орқали амлга оширилади, ҳамда танлов асосида ҳорижий ва юртимиз етказиб берувчилари қурилиш материал ва жиҳозлари билан таъминлаш етказиб берувчилар ва ишлаб чиқарувчилар томонидан ҳам бажарилади.

Қурилиш-монтаж ишлари бажаришга қурилиш материаллари, конструкциялари ва деталларини тайёрлашга сарф бўладиган эҳтиёжни қурилиш объекти лойиҳа ҳужжатлари орқали аниқланади.

Қуриладиган объектнинг моддий-техник таъминоти ишлаб чиқариш технологик бутлаш асосида, бунда қурилиш конструкция, детал, материал ва муҳандислик жиҳозларини етказиб бериш (шу жумладан тўлиқ битказиб бериш шартлари) қурилиш-монтаж ишларининг ишлаб чиқариш муддати ва технологияси билан бирга бажарилиши ва таъминланиши керак.

Қурилишни моддий-техник ресурслар билан таъминлаш шартнома асосида бажарилади. Шартномага «Буюртмачи» ва «Бош пудратчи» жадваллари илова қилинади.

Материал, детал, буюм, конструкция ва жиҳозларни ташиш, жойлаш ва сақлаш техник шартлар ва стандартлар талабига жавоб бермоқ, уларнинг шикастланиши,бузилиши,йўқолиши бундан мустасно қилмоқни ташкил этилиш керак.

Буюртмачи,пудратчи ва субпудрат ташкилотлари билан технологик, санитар-техник, электр техник ва бошқа жиҳозларни объектни шартнома асосида ишга тушургунга қадар сақлашни ташкил этади.

4.4 Қурилиш-монтаж ишлари сифатини таъминлаш.

Бино ва иншоотлардан талаб қилинадиган сифат, ишончлилиқ ва зилзилага бардошлилиқ қурилиш ташкилотлари томонидан техник, иқтисодий ва ташкилий чораларни бутлаш, битган қурилишни топширгунга қадар ишлаб чиқилган бизнес режа ва ТИА йўллари билан таъминланади.

Қурилиш-монтаж ишлари сифатини назорат қилиш қурилиш лабораториялари ва махсус хизматлар томонидан бажарилиши керак. Улар қурилиш ташкилотида ташкил этилади ва назоратнинг чин моҳиятини белгилаб бериш учун техник воситалар билан таъминланади, ҳамда буюртмачининг техник-назорат инспекторлари Давархитектқурилишназорат ва лойиҳа муаллифлари томонидан амалга оширилади.

Қурилиш-монтаж ишларининг сифатини назорат қилиш конструкция, буюм, материал ва жиҳозларнинг кириш назорат ҳужжатлари, алоҳида

қурилиш жараёнларини операцион назорат ёки қурилиш-монтаж ишларини қабул қилишда ишлаб чиқариш операцияларини ўз ичига олади.

Ишчи ҳужжатлар назоратида ишлаб чиқариш ишлари учун технологик ахборотларнинг бутлиги ва етарлилиги текширилиши керак.

Қурилиш конструкция, буюм, материал ва жиҳозларнинг назорати стандарт (республика ва давлатлараро стандартлар) талаблари асосида ёки бошқа норматив ва ишчи ҳужжатлар, ҳамда папорт, сертификат ва бошқа қўшимча сифат ҳужжатлари мазмуни ташқи кўрикдан ўтказилиши лозим.

Қурилиш жараёни ёки ишлаб чиқариш операцияларини бажариш операцион назорат орқали амалга оширилишини ва ўз вақтида камчиликларни аниқлаб, уларни бартараф қилиш ва олдини олиш чораларни кўришни таъминлайди.

қурилиш-монтаж жараёни технология асосида бажарилиши, ишларнинг чизма, қурилиш меъёр, қоида ва стандартларга биноан амалга оширалаётганлиги операцион назоратда текширилиши керак.

Чўкма грунт, кўчиш ва ўпқон ҳодисали районлардаги, ҳамда кийин, уникал объект қурилишларида махсус чора-тадбирларнинг бажарилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Операцион назоратда ШНК нинг меъёрий ҳужжатлари, технологик (технологик-типовой) хариталар ва улар таркибида сифат операцион назорати схемалари асосий ҳужжат ҳисобланади.

Сифат операцион назорати схемалари ўлчовларда йўл қўйиладиган четланишлар ҳақида конструкция эскизлари, ишлаб чиқаришни назорат қилувчи (мастер) ва қурилиш лабораторияси, геодезик ва бошқа махсус назора хизматлари иштирокида операция ёки жараёнлар рўйхати, назоратнинг тузилиши, таркиби ва муддатлари ҳақида маълумотларни ташкил этади.

Бажарилган қурилиш-монтаж, ҳамда жавобгар конструкциялар сифатини қабул қилиш назоратида амалга ошириш керак.

Буюртмачи техник назорати, лойиҳа муаллифи ва бош пудратчи билан биргаликда яширин ишларни далолатномалар билан гувоҳлик берувчи муҳим конструкциялар рўйхатини тузиш керак.

Яширин ишларни далолатнома тузиш билан гувоҳлаш, тегишли шакл бўйича тузилади. Тугатилган жараёнларни яширин ишлари далолатномасини гувоҳлаш, мустақил ташкилот қисмлари ижрочилари томонидан тузилиши керак.

Яширин ишларни гувоҳлаш ва далолатнома тузиш, ишлар танаффусдан кейин бошланса, кейинги ишлаб чиқариш ишларининг бошланишидан олдин бажарилади.

Барча ҳолларда, олдинги яширин ишларни гувоҳлаш далолатнома гувоҳланмаган бўлса, кейинги ишларни бажарилиш тақиқланади.

Мухим конструкциялар уларнинг тайёргарлигига кўра қурилиш жараёнида(муаллиф назорати остида) далолатнома тузиш орқали қабул қилинади. Конструкцияларнинг оралиқ қабул қилиш далолатномаси тўлдирилади.

Мураккаб ва ноёб объектлар қурилишида мухим конструкциялар қабули ва яширин ишларни гувоҳлаш далолатномалари лойиҳанинг махсус талаб ва технологик шартларига биноан тузилиши керак.

Қурилиш-монтаж ишлари сифатини бошқариш қурилиш ташкилотлари томонидан амалга оширилиши керак ва қурилиш-монтаж ишлари сифатини ташкил этишга қаратилган чора-тадбир, усул ва воситалар уй\унлигини, қурилиши тугалланган объектларнинг норма ҳужжатлари ва лойиҳалаштириш ҳужжатларини ўз ичига олиши лозим.

Бажарилган ишлар унумлилигини текшириш мақсадида ишлаб чиқариш назорати қурилишнинг барча босқичларида инспекцион назорат амалга оширилиши керак.

Қурилиш-монтаж ишларининг ишлаб чиқариш ва инспекцион сифат назорати хулосаларидан камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши керак. Бунда махсус низомлар асосида мавжуд Давархитектқурилиш назорат органлари ва лойиҳалаштириш ташкилотларининг муаллифлик назорат талаблари ҳисобга олинади.

4.5. Объектларни қайта таъмирлаш шароитида қурилишни

ташкил этиш талаблари.

Объектларни қайта таъмирлаш шароитида қурилиш-монтаж ишларини ишлаб чиқариш, қайта таъмирланаётган корхона ишлаб чиқариш фаолияти билан узвий боғлиқ бўлиши керак. Буюртмачи ва пудратчи ўзаро келишилган ҳаракатлар тартибини ва оператив бошқарув ишлари учун масъул шахсни белгилайди.

Асосий ишлаб чиқаришни тўхтатиш муддати (иш лойиҳаси) қайта таъмирлаш лойиҳаси ва ишлаб чиқариш лойиҳалари билан белгиланади.

Объектларни қайта таъмирлашда қурилиш ва эксплуатацион ишчилар билан завод ички транспорт коммуникациялари ва муҳандислик тармоқлари, цехнинг юк кўтариш жиҳозларидан биргаликда фойдаланишни кўзда тутиш керак.

Объектларни қайта таъмирлашда технологик транспорт воситалари ва коммуникация, жиҳоз, муҳандислик тармоқларини текшириш маълумотларини, демонтаж ва қурилиш-монтаж ишлари (газланиш, чангланиш, портлаш ва ён\ин хавфсизлиги, кучли шовқин, зик ва шунга ўхшашлар) шартларини ҳисобга олиш керак.

Буюртмачи ва пудратчи билан бош лойиҳалаштириш ташкилотлари биргаликда:

қурилиш-монтаж ишларини бажариш ҳажми, технологик тартиби ва муддатлари, ҳамда уларни қайта таъмирланувчи корхонанинг ишлаб чиқариш цех ва участкалари ишлари шартлари билан биргаликда келишилган бўлиши;

оператив бошқарув тартибини аниқлаш, бунда шикастланиш ҳолатлари пайдо бўлганида қурувчи ва эксплуатациячилар ҳаракатини ҳисобга олиш;

конструкциялар ажратмаси тартибини, ҳамда муҳандислик тармоқларини ўзгартириш ёки ишлаб чиқиш, вақтинчалик сув, электр таъминот ва бошқаларни улашнинг шарт ва жойларини аниқлаш;

буюртмачи хизматлари ва ишлаб чиқариш вақтида қурувчилар томонидан фойдаланиши мумкин бўлган техник воситалар рўйхатини тузиш;

қайта таъмирланаётган корхона ҳудудида жиҳоз ва материалларни бут ва биринчи галда етказиш, юк ва қурилиш техникасини ташиш ва тахлашни ташкил этишни, ҳамда мобил(инвентар) бино ва иншоотларни жойлаштириш шартларини аниқлайди.

Махсус ишлаб чиқариш ва зиқ шароитларда объектларни қайта таъмирлашда, махсус хавфсизлик чоралари ва қурувчиларни ҳимоя воситаларини аниқлаш ва ҳисобга олиш керак.

5.ИҚТСОДИЙ ҚИСМ

Қамаши сув омбори мавсумий бошқарувчан бўлиб, 1987 йил фойдалнишга топширилган, бош лойиҳачи «Узгипроводхоз» институти, фойдаланиш ташкилоти Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, балансовий нархи 2003 йилга нисбатан 195,9 млн сумни ташкил қилади. Сув омбори қуйилмали (Наливной) типга киради, асосий сув олиш манбаси Яккабоғ дарёси ва Корабоғ дарёси ҳисобланади, сеймик балли 7 балл, сув омбори III синфга киради. Бугунги кунда сув омбори Қамаши туманидаги 1500 гектар ерларни сув билан таъминлайди.

5.1 Сув омбори қурилишининг смета баҳосини аниқлаш.

Смета – лойиҳа босқичида тузилиб объект қурилиши учун зарур харажатлар ҳисоби кўрсатилган хужжатлардир. Унинг 3 тури мавжуддир. Маҳаллий, объект ва йиғма смена. Маҳаллий объект ёрдамида қурилишнинг асосий объектларнинг смета баҳосини аниқланади. Қурилиш сметаси баҳоси “S” билан белгиланади.

$$S=TX+NX+ПЖ$$

TX – тўғри харажатлар 2080,6 млн сум

NX – нокладной харажатлар

$$NX = (0.18 \div 0.22) TX = 2080.61 \cdot 0.2 = 416.122 \text{ млн сум}$$

ПЖ – планли жамғарма, қурилиш ташкилоти фойдаси

$$ПЖ = 0.08 E_{см} = 0.08 \cdot 249.732 = 199.7 \text{ млн.сўм}$$

$$T_{см} = TX + NX = 2080.61 + 416.122 = 2496.732 \text{ млн. сўм}$$

$$S = 2080,61 + 416,122 + 199,7 = 2696,432 \text{ млн.сум}$$

Қишлоқ хўжалиги, ирригация ва ерларни ўзлаштиришга сарфланадиган капитал қуйилмаларни миқдорини аниқлаш.

А. Ирригация қурилиши бўйича

$$K_{ир} = w_n + K_{ир}^{нор} = 1500 \text{ га} \cdot 360000 \text{ сум} = 540.000.000 = 540 \text{ млн сум}$$

w_n - суғориладиган майдон

$$K_{ир}^{нор} - 350 \text{ млн сум га} - 1 \text{ га ер учун ажратилган маблағ нормаси}$$

Б. Қишлоқ хўжалиги қурилишлари ва ерларни ўзлаштириш учун

$$K_{\kappa/\kappa} = w_n * K_{\text{ир}}^{\text{нор}} = 1500 \text{ га} * \frac{450000 \text{ сум}}{\text{га}} = 675 \text{ млн сум}$$

5. 1 жадвал

Қамаши сув омбори қурилишидаги асосий объектларнинг қурилиши схемасини аниқлаш

№ Т/С	Бажариладиган иш турлари	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Тўғри харажат	
				Иш бирлиги учун сум	Умумий млн.сум
1.	Ер қозиш ишлари	Минг м ³	300.63	1200.0	360.7
2.	Сифатли тўкма	Минг м ³	977.0	1350.0	1319.0
3.	Бетон темир-бетон	Минг м ³	2.4	144000.0	345.6
4.	Металл конструкция	Т	40.0	354000.0	14.2
5.	Пўлат қувурлар	Км	70.0	16500.0	1.155
6.	Арматура	Т	24.6	154000.0	3.788
7.	Тош ва хансангтош	Е	30.0	50000.0	81.5
8.	Тайёрлов қатлами	м ³	27100	1200.0	32.5
9.	Ободонлаштириш	га	1.48	15000.0	2.2

					2080.61

2009 йилги амалдаги нархларнинг ўртача қийматида ҳисобланган.

5.2 жадвал

Талаб қилинадиган капитал қуйилмарни ҳисоблаш

№	Харажатлар тури	%	Қийматлар млн сумда	Эслатма
1.	Тайёргарлик ишлари	4,5	93,6	“5” да
2.	Асосий ишл.чиқ объекти	100	2080,61	“5” да
3.	Ёрдамси и/ч объектлар	1,5	31.2	-/-
4.	Энергетика хўжалиги объекти	1,0	20.8	-/-
5.	Транспорт ва алоқа хўжалиги	4,0	83.2	-/-
6.	Ташқи алоқа ва иссиқлик билан таъминлаш	0,7	14.6	-/-
7.	Майдонни ободонлаштириш	0,5	10,4	-/-
8.	1-7 бўлимлар жами		2334,41	1-7
8.	Вақтинчалик бино ва қурилиши	4.5	105,1	1-7 дан
9.	Бошқа харажатлар	12	292,7	2439,54 да

10.	1-9 бўлимлар жами Қурувчи ташкилот дирекция харажатлари	0,7	27327 14,6	“S” дан
11.	Эксплуатация ходимларини тайёрлаш харажатлари	0,5	10,4	“S” дан
12.	Лойиха ва қидирув ишлари	2,0	48,7	1-8
13.	Кўзда тутилмаган харажатлар	2,0	56,1	1-12
14.	Қайтарилмайдиган харажатлар	1,5	1,6	8 дан
	Талаб қилинадиган капитал куйилмалари	100%	2864,1	1-14

5.3 -жадвал

Йиллик эксплуатация харажатлари

№	Харажатлар таркиби	ифодаси	Қиймати млн сум	таркиби
1.	Йиллик иш ҳаққи фонди	ΣИХ	27.9	6.0
2.	Амортизация ажратмаси	Атик	128.9	27.0
3.	Жорий таъмирлаш харажатлари	ЖТ	257.8	54.0
4.	Махсус харажатлар	МХ	14.2	3.0
5.	Бошқа харажатлар	БХ	45.0	10.0
		Эсо	473.8	100%

Сув хўжалиги комплексига сарфланадиган умумий капитал куйилмалар миқдори

$$K = K_{co} + K_{к/к} = 2864.1 + 675.0 = 3539.1 \text{ млн.сум}$$

Йиллик эксплуатация харажатларини аниқлаш.

Эксплуатация харажатлари сув омборидан иншоотлар бўғимининг ишчи ҳолатида сақлабш учунинг учун сарфланади, ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тан нархини белгилайди.

У куйидаги харажатлар йиғиндисидан иборат:

- 1.Эксплуатация ходимларининг йиллик иш ҳаққи фонди –ИХФ
2. Асосий фондларни тиклаш учун амартизация ажратмалари - А
3. Жорий таъмирлаш харажатлари - ЖТ
4. Махсус харажатлар – МХ
5. Бошқа харажатлар – БХ

1. Сув омбори эксплуатация ходимларининг йиллик иш ҳаққи фонди қуйидагича аниқланади.

$$\text{ИХФ} = \text{ОИХ} * 12 * \text{П} = 150 * 12 * 10 = 18 \text{ млн сум}$$

П – Эксплуатация ходимларини сони 10 та

ОИХ - ойлик иш ҳаққи – 150 000 сўм

12 – бир йиллик ойлар сони

2. Умумий йиллик иш ҳаққи фондини аниқлаш

А. Иш ҳақи фондига ажратмалар.

$$\text{ИХФ}_\text{к} = 0.4 \text{ ИХФ} = 0.4 * 18 \text{ млн сум} = 7,2 \text{ млн сум}$$

Б. Қўшимча иш ҳаққи фонди

$$\Delta = 0.15 * \text{ИХФ} = 0.15 * 18 \text{ млн сўм} = 2,7 \text{ млн сўм}$$

В. Умумий йиллик иш ҳаққи фонди.

$$\Sigma \text{ИХФ} = \text{ИХФ} + \text{ИХФ}_\text{А} + \Delta = 18.0 + 7,2 + 2,7 = 27,9 \text{ млн сум}$$

3. Амортизация ажратмалари.

$$A_{\text{тик}} = \frac{D_{\text{к}} * v_{\text{тик}}}{100} = \frac{2577.7 * 5}{100} = 128,9 \text{ млн.сум}$$

$$D_{\text{к}} - 0.9 K_{\text{со}} = 0.9 * 2864,1 = 2577,7 \text{ млн.сум}$$

$v_{\text{тик}}$ – 5% йиллик амортизация нормаси

4. Жорий таъмирлаш амортизацияси

$$\text{ЖТ} = D_{\text{к}} K_{\text{т}}^{\text{нор}} = \frac{2577.7 * 0.5}{100} = 257,8 \text{ млн сўм}$$

5. Махсус харажатлар.

$$\text{МХ} = 0.005 * K_{\text{со}} = 2864.5 * 0,005 = 14,2 \text{ млн сўм}$$

6. Бошқа харажатлар.

$$\text{БХ} = (\Sigma \text{ИХФ} + \text{ЖТ} + \text{МХ}) * 0,15 = (27,9 + 257,8 + 14,2) * 0,15 = 45,0 \text{ млн сўм}$$

Юқоридаги ҳисоблар жамланиб йиллик эксплуатация харажатлари миқдори топилади. 3 жадвал

1. Эксплуатация харажатлари солиштирма бирлиги

$$\mathcal{E}_{\text{со}}^{\text{сб}} = \mathcal{E}_{\text{со}} / W_{\text{н}} = \frac{473,8 \text{ млн сум}}{1,5 \text{ минг}} = \frac{473800 \text{ минг сум}}{1,5 \text{ минг га}} = 318866 \frac{\text{сум}}{\text{га}} = 314,0 \text{ минг}$$

сум/га

2. 1 м³ сувнинг таннарни.

$$T_{\text{сув}} = \Delta c_o / W = \frac{473.8 \text{ млн сўм}}{20 * 5 \text{ млн м}^3} = 23,1 \text{ сум/м}^3$$

$$W = Q * t = 13 \text{ м}^3/\text{с} * 10^6 \text{ сек} = 20,5 * 10^6 \text{ м}^3 = 20,5 \text{ млн м}^3$$

$$Q - \text{сув чиқаргич сарфи } Q = 13 \text{ м}^3/\text{сек}$$

$$t - \text{вегитатсия даври секундда } t = 15,8 * 10^6 \text{ сек}$$

Қишлоқ хўжалиги яратилган маҳсулот, унинг қиймати, таннархи ва олинган соф фойдани аниқлаш.

1. Ялпи маҳсулот хўжаликда бир йилда қишлоқ хўжалиги экинларидан олинган маҳсулот.

$$ЯМ \text{ экин} = W \text{ экин} * X \text{ экин}$$

$W \text{ экин}$ - экин тури майдони

$X \text{ экин}$ - экинларни лойихадаги ҳосилдорлиги

2. Ялпи маҳсулот қийматини центинер маҳсулот етиштириш учун белгиланган ўртача давлат харид баҳоси “б” билан белгиланади.

$$ЯМҚ = ЯМ \text{ экин} * б \text{ эки}$$

3. Жами ишлаб чиқариш харажатлари.

$$X_{\text{ич}} = E * ЯМ$$

$$T = 0.75 * б \text{ сум/центинер} - \text{таннарх}$$

4. Соф даромат - ялпи маҳсулот қиймати билан ишлаб чиқариш харажатлари орасидаги фарқ.

$$СД - ЯМҚ - X_{\text{ич}}$$

5.4 жадвал

Соф даромат аниқлаш

№	Қишлоқ хўжалиги экинлар тури	Майдони га	Ҳосилдор лик ц/га	Ялпи маҳсулот ЯМ ц	Ўртача харид баҳоси сум/ц “б”	Маҳсулотнинг тан нархи	Ялпи мах сулот қиймати ЯМҚ млн сум	Жами ишлаб чиқариш харажати $X_{\text{ич}}$ млн сум	Соф даромат	
									СД млн сўм	СВМ сўм/га

1.	Узум ва боғ	600,0	120,0	72000,0	500,0	37500	3600,0	2700.0	900.0	1500000,0
2.	Бугдой	400,0	50,0	20000,0	35000	26250	700,0	525,0	175.0	437500.0
3.	Картошка	150,0	150,0	22500,0	40000	30000	900,0	675,0	225.0	1500000
4.	Арпа	100,0	110,0	11000,0	30000	22500	330,0	247,0	82.5	825000.0
5.	Маккажў хори	50	70,0	3500,0	35000	26250	122,5	91,9	30.6	612000.0
6.	пахта	200	20,0	4000,0	30000	22500	120.0	90,0	30.0	150000.0
		1500					5772,3	4329,4	1443	

Капитал қийилмаларни умумий иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари.

1. Умумий иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари “Е” капитал қуйилмалари билан улар келтирадиган самара ўртасидаги нисбати бўлиб, бир йиллик самара хисобига қайтиб келаётган капитал қуйилмалар хиссасини кўрсатади.

$$2. E = \frac{CD-\Delta}{K} = \frac{1443.1 - 336.5 \text{ млн сум}}{3539 \text{ млн сум}} = 0.31$$

Бунда К – сув хўжалиги компелекси қурилишига сарфларган капитал қўйилма – 3539,1

Δ – жами йиллик эксплуатация харажатлари

$$\Delta = \Delta_{co} + \Delta_{хара} = 314.0 + 22.5 = 336.5 \text{ млн.сум}$$

$$\Delta_{хара} = \Delta_K^H * W_H = 15000 - 1500 = 22500000 = 22.5 \text{ млн.сум}$$

Δ_{хара} – хўжаликлар сиғориш тизимини эксплуатация харажатлари

Δ_К^Н – 10 га суғориладиган ерга тўғри келадиган солиштирма сарф 15000 сум

Капитал қўйилмаларнинг қопланиш муддати

$$KM = \frac{K}{CD-\Delta} = \frac{1}{E} = \frac{1}{0.31} = 3,3 \text{ йил}$$

Лойиханинг солиштирма техник-иқтисодий кўрсаткичларнинг қисқа тахлили, 5 жадвални ўрганиб чиқиш жараёнида Қамаши сув омбори иқтисодий жихатдан катта самарадорликка эга эканлиги, ўлчам жихатдан кичик бўлса ҳам, Республикамизда иқтисодий тарақиёти учун муҳим аҳамият касб этиши кўриниб турибди.

Лойиханинг солиштирма техник – иқтисодий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Ифодаланиш формуласи	қиймати
1.	Суғориладиган майдон	га	wn	1500,0
2.	Сув чиқариш фарқи	$1\text{м}^3/\text{с}$	v	13,0
3.	Сув омбори қурилишига қўйиладиган капитал қўйилма	Млн.сўм	K_{co}	2864,1
4.	Сув хўжалиги комплекси қурилишига сарфланган/қ	Млн.сўм	K	3539,1
5.	Капитал қўйилмаларнинг солиштирма бирлиги а). 1 га суғориладиган майдон га б). 1м^3 ўтаётган сувга	Сум/га $\text{Сўм}/\text{м}^3$	$\frac{K_{co}}{wn}$ $\frac{K_{co}}{w}$	190933 181,3
6.	Сув омбори йиллик эксплуатация харажати	Млн.сўм	$\mathcal{E}_{co}$	473,8
7.	Эксплуатация харажатлари солиштирма бирлиги а). 1 га суғориладиган майдон га б). 1м^3 ўтаётган сувга	$\text{Сўм}/\text{га}$ $\text{Сўм}/\text{м}^3$	$\mathcal{E}_{co}/wn$ $\mathcal{E}_{co}/w$	315866,0 29,9
8.	Соф даромад	Млн. сўм	CD	1443,1
9.	Капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлиги коэффиценти	-	E	0,31
10.	Капитал қўйилмаларнинг қопланиш муддати	йил	QM	3,3

6.МЕҲНАТ ХАВФСИЗЛИГИ ҚИСМ

Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил қилганда атроф муҳитни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амлга ошириш керак. Улар ерни рекультивация қилиш, табиий ресурсларни йўқотишни асраш, хавфли чиқиндиларни тупроқ, сув ва атмосфераларга тушишини олдини олиш ва тозалашни ўз ичига олади. Юқорида кўрсатилган чора-тадбирлар лойиҳалаштириш ҳужжатларида, қурилиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаларида кўрсатилиши керак.

Ишлаб чиқаришнинг қурилиш-монтаж ишлари қўриқлов, қўриқхона ва санитар ҳудуд, ҳудудлардан ташқарида ўрнатилган махсус қоида ва низомларга биноан амалга оширилиши керак.

Объект қурилиши ҳудудида лойиҳалаштириш ҳужжатларида кўрсатилмаган дарахт ва буталарни кесиш, илдишларни грунт билан қўмиш, ўсган дарахт ва буталар шохини кесишга йўл қўйилмайди.

Қурилиш майдонларидан сувни ювилиб кетиш ҳимоясиз қияликларга чиқаришга йўл қўйилмайди. Режали ишларни амалга оширилганда кейинги ишлатув учун яроқли бўлган тупроқ қавати олдиндан олиниб, махсус ажратилган жойларга жойланиши керак.

Вақтинчалик автомобил йўллари ва бошқа ўтиш йўллари қишлоқ хўжалик угодиялари ва бута-дарахт ўсимликларига зарар етказмаслик талабларига биноан жойланиши керак.

Қурилиш-монтаж ишларининг селитеб ҳудудларда бажарилишида ҳавонинг чангланиш ва газланишини олдини олиш бўйича талабларга амал қилиниши керак. Ахлат ва чиқиндини йиғишда уларни бино ва иншоот қаватларидан ташлашга йўл қўйилмайди. Бунинг учун ёпиқ лоток ва бункер-тўлдиришлар ишлатилиши керак.

Бурғалаш ишларини бажариш жараёнида ер ости сувининг сатхи кўтарилганида, ер ости сувларининг тарқоқлигини олдини олиш чоралари кўрилиши керак.

Кучсиз грунтларни сунъий мутаҳкамлаш ишларида (лойиҳада кўрсатилган) пастда ётувчи горизонт ер ости сувларини ифлосланишини олдини олиш чоралари кўрилиши лозим.

Қурилиш майдонида пайдо бўладиган ишлаб чиқариш ва турмуш оқувлари қурилишни ташкил этиш лойиҳаси ва ишни олиб бориш лойиҳаларида кўрсатилган тартибда тозаланиши ва зарарлантирилиши лозим.

Табиий ресурсларни йўл-йўлакай ишлаб чиқариш фақатгина лойиҳалаштириш ҳужжатлари мавжуд бўлгандагина давлат назорат органлари, маҳаллий ҳокимият ва ўзини бошқариш (туман ва шаҳар ҳокимиятлари, қишлоқ, қўрғон (қасаба) ўзини бошқариши) органлари билан келишиш керак.

Ерни мелиорация қилиш ишлари, кўл ва сув омборларини ташкил этиш, жар, сой, ботқоқ ва пайдо бўлган карьерларни йўқотиш, қурилиш билан олиб бориладиган саноат, уй-жой объектларини қурилиш лойиҳалаштириш ҳужжатлари мавжуд бўлгандагина бажариш лозим. Улар манфаатдор ташкилотлар ва давлат назорат органлари билан келишиб бажарилади.

Ўрмон ва буталарни, қурилиш учун кесиш ишлари билан боʻлиқ бўлган ишларни шундай ташкил этиш керакки, унда ҳайвонот олами қурилиш майдони чегараларидан чекинтирилиши таъминланган бўлиши керак.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

1. Мен ушбу диплом лойиҳамда Камаши сув омбори реконструкциясини кўриб чиқдим, Камаши сув омбори лойиҳавий параметрлари таҳлил қилиб, сув омборидаги камчиликларни ўрганиб, реконструкция қилиш ишларини белгиладим.

2. Диплом лойиҳада гидравлик ва статик ҳисобларни бажардим ва реконструкция қилиш технологиясини ишлаб чиқдим, диплом лойиҳасини бажаришда назарий билимларимни қўллаган ҳолда, техник адабиётлар ва меъёрий ҳужжатлар фойдаланиб керакли хулосаларга эришдим. Уйлайманки, диплом лойиҳасини бажариш давомида ҳосил бўлган амалий куникмаларимни ишлаб чиқаришда менга муоммоларни ечишда кўл келади.

2. Камаши сув омбори реконструкцияси қилиш жараёнида қуйидаги ишлар бажариш лозим.

- сув омборга келадиган йўлини таъмирлаш керак.
- Тўғон тепасини бутун узунаси бўйлаб лойиҳадаги отметка 497,90 м гача ёки ПК13 дан ПК29 гача, минимал зарурат – 497,77 м гача етказиш лозим.
- Тўғонда яхлит парапёт ўрнатиши 497,90 м отметкаси гача (ПК13 – ПК19 да).
- Чиқариш ўзанини лойқадан тозалаш.
- Назорат ўлчаш аппаратлари (НУА) пьезометрлар: 26 дона лойиҳа бўйича шундан 20 донаси ишчи ҳолатда, 1 дона янгидан қуриш ва 5 донасини фильтр қисмини лойқадан тозалаш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.И.А. Каримов. Асосий вазифамиз –ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Тошкент, «Ўзбекистон», 2010, 65 бет
- 2.Кадастр гидротехнических сооружений. Камашинское водохранилище. Госинспекция «Госводхознадзор», Экспертный совет, Диагностический центр. Кадастровый № 04.1.12. Ташкент-2008г;
- 3.Технический отчет о натурных наблюдениях геодезическими методами за деформациями сооружений Камашинского водохранилища. 2-й цикл, Госинспекция “Госводхознадзор”, Экспертный совет, Диагностический центр, Ташкент 2005г.
- 4.Технико-экономический расчет "Оценка безопасности сооружений и обоснование восстановительных работ". Агенство GEF. Национальная группа Узбекистана. Ташкент 2000г.
- 5.КМК 2.06.05-98 «Плотины из грунтовых материалов».
6. КМК 2.06.04-97 «Нагрузки и воздействия на гидротехнические сооружения» (волновые, ледовые и от судов).
- 7.КМК 2.02.02.-98 «Основания гидротехнических сооружений».
- 8.КМК 2.06.01-97 ГТС. Основные положения проектирования, 1997г.
9. КМК 3.01.01-03 “Курилишини ташкил этиш”
10. Методика определения критериев безопасности гидротехнических сооружений. РД 153-34.2-21.342-00. РАО «ЕЭС России». Москва-2001г.
11. Сув хўжалиги курилиши услубий кўрсатма (ТИИМСХ) Тошкент -1994 й
12. Царев А.И., Иващенко И.Н., Малаханов В.В., Блинов И.Ф. Критерии безопасности гидротехнических сооружений как основа контроля их состояния. ГТС. 1994г. №1. с.9-14.
13. Рекомендации по определению предельных допустимых значений показателей состояния и работы гидротехнических сооружений. П836-85. Гидропроект им. С.Я Жука. М.1985г.

14. Рекомендации по оценке надежности гидротехнических сооружений. П-842-86. Гидропроект им. С.Я Жука. М.1986г
15. В.В.Малахов. "Техническая диагностика грунтовых плотин". Библиотека гидротехника и гидроэнергетики. Энергоатомиздат. Москва, 1990
16. Проектирование оснований гидротехнических сооружений (Пособие к СНиП II-16-76), П 13-83, ВНИИГ им. Веденеева, Ленинград 1984г.
17. Бакиев М.Р., Янгиев А.А., Қодиров О, Гидротехника иншоотлари. –Т: Фан, 2002.-276 б.
18. Бакиев М.Р., Мажидов И.У., Носиров Б., Хўжақулов Р., Рахматов М. Гидротехника иншоотлари. Т.: 2008. – 1,2 жилд.
19. Кавешников Н.Т. Эксплуатация и ремонт гидротехнических сооружений.– Москва: Агропромиздат, 1989.–272 с.
20. Бакиев М.Р., Турсунов Т.Н., Кавешников Н.Т. Гидротехника иншоотларидан фойдаланиш. Т., 2008.
21. Сув омболарини, каналларни, гидроузелларни ва насос станцияларни ҳавфсизлигини таъминлашга қаратилган аварияларни тугатиш учун мўлжалланган захира материалларни, асбоб ва ускуналарини яратиш ҳақидаги низоми. Вазирлар Маҳкамасининг 14 феврал 2000 йил 03-11-21 сон
22. Рахимбаев Ф., Гидротехник терминлар русча узбекча таджикча қозоқча луғат. Тошкент: 1997 йил.
23. “Давсувхўжаликназорат” инспекциянинг Қамашу сув омбори бўйича техник ҳужжатлари.